ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00969

ТАЪЛИМ ИСЛОҲОТЛАРИ ШАРОИТИДА КАСБ МОТИВАЦИЯСИНИ БАРВАҚТ АНИҚЛАШНИНГ ИЖТИМОИЙ ПСИХОЛОГИК МЕЗОНЛАРИ (КИЧИК МАКТАБ ЁШИДАГИ БОЛАЛАР МИСОЛИДА)

Гулзода Неъматуллаевна Ташматова
Гулистон давлат университети ўқитувчи

Дурдонахон Рустамхон қизи Исламова
Гулистон давлат университети талаба
mahmudova@mail.ru

АННОТАЦИЯ

Кичик мактаб ёшидаги ўқувчилар 7 ёшдан 12 ёшгача бўлган болалар бўлиб улар бошланғич синф ўқувчилари ҳисобланади. Бу даврларда боланинг ҳаёти ва фаолиятида муҳим ўзгаришлар юз беради. Уларнинг психикасида ҳамда жисмоний ривожланишида сезиларли даражада ўзгаришлар вужудга келади. Кичик мактаб ёшида таълим жараёнини тизимли ташкил қилиш, болада беғамлик даврининг туганланганлигидан далолат беради ва ўқишга бўлган муносабатлар тобора ўзгариб боради. Бу даврда боланинг қизиқишлари ўйин фаолиятидан ўқув фаолиятига аста-секин кўчиб ўтади.

Калит сўзлари: Таълим, тарбия, мактаб, жамият, давлат, ўқитувчи, кичик мактаб ёшидаги ўқувчилар, психология, педагогика, жисмоний ривожланиш, руҳий зўриқиш, касб, мотивация, фаолият.

ABSTRACT

Primary school pupils are children aged 7 to 12 years who are considered primary school pupils. During these periods, there are significant changes in the life and activities of the child. There are significant metamorphoses both in the psyche and in physical development. The systematic organization of the educational process at a young school age is an indicator of the end of the period of infancy in a child, and the attitude to education is constantly changing. During this period, the interests of the child gradually move from playing to learning activities.

Keywords: Education, Upbringing, School, Society, state, teacher, primary school age pupils, psychology, pedagogy, physical development, mental stress, profession, motivation, activity.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00969

“Дунё иморатлари ичида энг улуғи мактабдир”
Маҳмудхўжа Беҳбудий

КИРИШ

Таълим – тарбия ишларини психологик мазмунини очиб беришдан иборатдир. Унинг амалий вазифаларига турли ёшдаги болаларнинг психик тараққиёти хусусиятларига доир билимларни тарбиячилир, ўқитувчилар, ота – оналар яъни жамоатчилар ўртасида кенг ёйишдан иборат. Давлатимиз раҳбари президентлик фаолиятининг дастлабки кунларидан бошлаб юртимизда инновацион ва креатив фикрлайдиган замонавий кадрлар тайёрлаш, ёшларни Ватанпарварлик руҳида, юксак маънавият эгалари этиб тарбиялаш, шу мақсадда таълим тизимини такомиллаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратиб келмоқда. Ҳақиқатан ҳам, жаҳондаги ривожланган давлатлар тарихига назар ташлайдиган бўлсак, уларда жамият ҳаётини ўзгартиришга қаратилган ислоҳотлар аввало таълим тизимидан, боғча, мактаб, тарбия масаласидан бошланганини кўрамиз. Чунки мактабни ўзгартирмасдан туриб, одамни, жамиятни ўзгартириб бўлмайди.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Таълим ва тарбиянинг асоси, пойдевори бу – мактаб. Мактабни мактаб қиладиган куч эса ўқитувчилардир. Кичик мактаб ёшидаги ўқувчилар 7 ёшдан 12 ёшгача бўлган болалар бўлиб улар бошланғич синф ўқувчилари ҳисобланади. Бу даврларда боланинг ҳаёти ва фаолиятида муҳим ўзгаришлар юз беради. Уларнинг психикасида ҳамда жисмоний ривожланишида сезиларли даражада ўзгаришлар вужудга келади. Кичик ёшдаги ўқувчи мактабгача ёшдаги болаларга ва ўзидан каттароқ ёшдаги болаларга нисбатан бир қанча жисмоний хусусиятларга эгадир. Бу даврда мавжуд касбий мотив ва мотивация муаммоси хориж психологлари томонидан кенг доирада тадкик килинган. Жумладан, касбий мотивлар борасида Е.А.Климов, В.А.Крутецкий, А.Н.Василькова, Э.Диси, В.Врум, М.В.Дмитрий ва бошкаларни киритишимиз мумкин. Мотивларнинг мустахкамланиши мехнат фаолиятида ишловчиларнинг кўпгина омилларини қондирилишига боғлик бўлади. Ғарб психологларидан

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00969

В.Врум ва Э.Диси мехнат фаолияти мотивациясини таркибий қисмларини ажратадилар. Унга кўра инсонлар канчалик ўз ишидан қониқса, шунчалик улар уз ишларини бажаришга кучлирок харакат қиладилар. Уларни фаолият жараёнида рағбатлантириб борилса, шунчалик қаттиқроқ ишлайдилар. Бундай ёндашувда амалга ошириладиган рагбатлантириш ишчилар фаолиятининг махсулдорлигига боглик. Бунда улар фаолият курсатадиган фирма, компания ва ташкилотлардан куч оладилар. Бу турли кушимча имтиёзлар нафакат таълим олиш учун интилиш, дам олиш, корхона томонидан ташкиллаштирилади.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Онгли равишда касб танлаш инсоннинг ижтимоий мавкеи билан боглик равишда амалга ошади. Агар инсон учун асосийси ижтимоий нуфуз хисобланса, унда касб хозирда мавжуд булган коидалар, шунингдек, жамиятдаги нуфузли касблардан келиб чикиб танланади. Купчилик касб танлаётганда бу касб уларга қанчалик моддий рағбат келтиришни ўйлайди. Касб мансабга интилиш асосида, хакикий ташки таассуротлар замирида, ота-она, дўстларининг маслахатлари оркали ёки омадга боглик холда танлаши мумкин. Лекин касбдаги романтика одатда тезда йуколади ва унинг ўрнида инсон хали на хиссий, на жисмоний ва на психик жихатдан тайёр булмаган “оғир иш кунлари” колади. Танлаган касби узи учун кийин булиб, куп холларда турли тусикларни юзага келтиради ва айрим холларда уз касбини узгартиришига тугри келади. Маълумки, барчамизнинг эртанги кунимиз ёш авлод кулида. Бугунги кунда мухтарам президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуслари билан болаларга айниқса боғча ва бошланғич ёшдаги болаларга давлат сиёсати даражасида қараб келинмокда. Жумладан мактаб ва мактабгача таълим муассасаларида ёш авлодга турли интерфаол методлар, турли интерактив ва инновацион услублар қўллаш бугунги кунда хар бир педагог олдида турган ўта маъсулятли вазифадир. Боланинг кичик мактаб ёшида бошлангич синфларда ўкиш йилларига тўғри келади. Ўйин фаолиятидан ўқиш фаолиятига ўтиш олдидан бола ўз хаётининг энг мухим даврига, яъни мактаб томонидан куйиладиган турли-туман талабларни бажаришга,

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00969

бошқача килиб айтганда, таълим олишга хам психологик, хам жисмоний жихатдан тайёр булади.

ХУЛОСА

Касб ҳақидаги суҳбат болаликдан бошланади. Ёш болаларга аллақачон савол берилган: "Келажакда нима бўлишни хоҳлайсиз?" Болалар бу саволга турли хил йўллар билан жавоб беришади: кимдир доктор бўлишни хоҳлайди, кимдир ўқитувчи дейди, учувчилар, космонавтлар каби ўғил болалар, кимдир ҳатто Президент бўлишни хоҳлайди деб жавоб беришади. Шуниси еътиборга лойиқки, ҳатто болалар ўйнайдиган ўйинлар ҳам болаларнинг манфаатларини акс еттиради, бу ерда улар кимгадир муносабатда бўлишади ёки бирор нарса қуриш, пишириш ва ҳоказо.

Кимнингдир болаликдаги орзулари рўёбга чиқади ва кимдир муайян фаолият турига оид фикрларини кўп марта ўзгартиради. Агар бола бирон нарсага қизиқса, у бу соҳада ўз қобилиятларини ривожлантиришга ёрдам бериши, тезкор ва тўғри йўналишга йўналтириши керак.

REFERENCES

1. Р.Солиева “Болалар психологиясининг муаммолари”
2. www. Ziyonet.com